



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 13 август, № 157 (6592)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЗАМОНАВИЙ ДИЗАЙН, ЮҚОРИ СИФАТ ВА МАҚБУЛ ТАКЛИФ

асосида иш юритиш маҳсулотларнинг рақобатдошлигини таъминлайди



ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Президентимиз бундан беш йил аввал Наманган вилоятига ташрифи чоғида тўқимачилик соҳасидаги янгиланишлар билан яқиндан танишар экан, асосий эътиборни нафақат ишлаб чиқариш, балки мода ва дизайн ҳам қаратиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, бугунги соғлом рақобат муҳитида харидорларга таклиф қилинаётган маҳсулотлар турлари ниҳоят-

да кўп. Мазкур жараёнда янгиллик интилишдан тўхтаган ёки сифат устидан ишлашни сусайтирган ишбилармон бозордаги ўрнини бой бериб қўйиши ҳеч гап эмас. Шу боис тадбиркорлик субъектлари истиқболли лойиҳаларни рўйбга чиқариш, модернизациялаш тадбирларини изчил давом эттириш каби устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратишади.

(Давоми 2-бетда).



ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИДАН ГУРУРЛАНИШ САОДАТИ

Юртдошларимизнинг 98,9 фоизи мамлакатимиз буюк келажаги ҳамда тараққиётига қомил ишонч билан қарайди. Уларнинг фикрича, Ўзбекистон юзага келган масалаларни муваффақиятли ҳал этган ҳолда, юқори суръат билан ривожланаётган ва гуллаб-яшнаётган давлатга айланган.

ютуғи, деб ҳисоблашади. Айни пайтда фуқаролар республикамизнинг халқаро миқёсдаги нуфузи ошаётгани, демократик ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамияти барпо қилингани, демократик тамойиллар қарор топаётгани, ижтимоий йўналишнинг бозор иқтисодиёти шаклланиши алоҳида кўрсатиб ўтишган.

Қатнашчилар мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ортиши, барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари, аҳоли турмуш даражаси ва сифати мутасил ошиб бориши пухта ҳамда чуқур уйланган, жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилаётган тараққиётнинг "Ўзбек модели" самаралари эканини таъкидлашган.

Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллик байрамига қувончли натижалар билан қадим қўймоқдаки, тадқиқот иштирокчиларининг 99,4 фоизи она-Ватанимизнинг ушбу ютуқлари билан гурурланишларини ифodalашган. Уларнинг фикрича, изчил ислохотлар жамият ҳаётига, аввало, одамлар онгу тафаккурига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Юртдошларимиз дунёқароши, меҳнатга ҳамда ҳаёtgа муносабати ўзгарди, ҳуқуқий маданият, сиёсий онг ва ижтимоий фаоллиги юксалмоқда, маънавий-ахлоқий қадриятлар ҳамда фуқаролик позицияси мустақамланаётган. Тадқиқот натижалари аҳолида ватанпарварлик туйғуси янада ортанглигини кўрсатди. Респондентларнинг 96,1 фоизи шунинг қомил ишонч билан таъкидлашдики, фуқаролар ўз она-юртида кечаётган ўзгаришларга маънавий масъулдилар.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

● Хамюртимиз Ҳасанбой Дўстматов Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида давом этаётган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларининг олтин медали учун кураш олиб боради. Вакилимиз Олимпиаданинг бокс мусобақасида вази 49 килограммгача бўлган спортчилар ўртасида ярим финалда АҚШ вакили Нико Мигель Эрнандесни катта устунлик билан мағлубиятга учратди. Энди Ҳасанбой Дўстматов 14 август кунини олтин медаль учун бўладиган беллашувда колумбиялик Юберхен Мартинес Ривасга қарши рингга чиқади.

● Пойтахтимизда бирламчи тиббиёт тизимида замонавий патронаж хизматининг ўрни ва аҳамиятига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Қайд этилганидек, мамлакатимизда патронаж хизматини янада ривожлантириш мақсадида жорий йилнинг ўзида икки марта патронаж ойлиги ўтказилди. Ушбу тадбирлар доирасида хонадонларнинг тиббий-ижтимоий ҳолатини ўрганиш, касалликларнинг олдини олиш, барвақт аниқлаш ҳамда соғломлаштириш, оналар, болалар, ўсмирлар, кексалар ва аҳолининг тиббий-ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами кўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар янада кучайди.

● Нукусда "Ёш тадбиркор — юртга мададор" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ўтказилди. Унда 130 нафар йигит-қиз ўз бизнес-режаси ҳамда тадбиркорлик голяри билан қатнашди. Яқунда 10 нафар ёш тадбиркорнинг бизнес-режаси истиқболли, деб топилди ва танловнинг мамлакат босқичига йўланма олди.

● "Максам-Чирчиқ" акциядорлик жамиятида фуқаро муҳофазаси тузилмаси фаолияти ҳамда уларни ривожлантириш истиқболларига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унинг доирасида фуқаро муҳофазаси тузилмаси кўтарувчиларининг ўқув машғулотлари ташкил этилиб, турли вазиятларда ҳаракат қилиш тактикаси намойиш этилди, ўлчов асбоблари, авария-қутқарув ва ўт ўчириш техникаси кўргазмаси ўтказилди.

«Халқ сўзи» муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

1991 йил 31 августда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, энг улуг ва бебаҳо неъмат — истиқлолга эришилган, мамлакатимизда тинчлик ҳамда барқарорликни, миллатлараро ҳамжиҳатликни сақлаш, ижтимоий соҳани ва иқтисодиётни тубдан ислоҳ этиш, миллий армияни шакллантириш билан бирга, суд-ҳуқуқ тизимини янги асосда барпо қилиб, соҳада демократик ҳамда умуминсоний тамойиллар устуворлигини кафолатлаш энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди. Утган йигирма беш йил ичида мазкур соҳада босқичма-босқич олиб борилган ислохотлар, хусусан, адлия тизимида ҳам кенг кўламли ўзгариш у янгиланишларга замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Музраф ИКРОМОВ билан сўхбатимиз тизимдаги мана шу ўзгариш ва янгиланишлар, уларнинг моҳияти, аҳамияти ҳамда ислохотларнинг ҳозирги босқичидаги изчил жараён хусусида бўлди.

ЖАРАЁН

— Музраф Муборакўжаевич, халқаро жамоатчилик томонидан юксак даражада эътироф этилаётган тараққиётимизнинг миллий моделига мувофиқ, суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам туб ислохотлар рўйбга чиқарилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Сўхбатимизни ушбу соҳанинг муҳим бўлини — адлия органлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида мустақиллигининг илк йилларида қўйилган

қадамлар ва бу борада қилинган ишлардан бошласан.

— 2015 йили АҚШнинг Гэллуп институти томонидан 141 давлат ўртасида "Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси" мавзусида ўтказилган сўров натижаларига кўра, Ўзбекистон 2-ўрини эгаллади. Мамлакатда яшаётган ҳар қайси одамнинг кайфиятига, унинг ўзини эркин ҳис этишига қонунда белгиланган тар-

тибларга амал қилиш қандай таъсир кўрсатаётганини аниқлаш мақсади кўзда тутилган бу тадқиқот юртимизда инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатлари олий қадрият сифатида ҳаётий тасдиғини топаётганини, тараққиётимиз асоси бўлган машҳур беш тамойилдан бири — қонун устуворлиги давлат ва жамиятнинг ривожлантиришининг негизига айланганини жаҳон миқёсида намён этди. Холбуки, чорак аср олдин узок

йиллар давомида ғайриинсоний сиёсатнинг тегиримон тошлари орасида эзилиб келган халқимизда адолатга ишонч ҳисси буткул сўнган, жамиятда ҳуқуқий бўшлиқ кенгайган, қонунбузарликлар, жиноятчилик беҳад авж олган эди. Мустабид тузумдан нафақат заиф ҳамда ночор иқтисодиёт, балки одамларни эзиш, хўрлаш қуролиги, репрессив машинага айланган суд-ҳуқуқ тизими ҳам мерос бўлиб қолганди.

Мустақиллик туфайли ҳар биримиз "ҳуқуқ", "қадр-қиммат", "ғурур" деган тушунчаларнинг моҳияти ва қадрини теран англаб етдик. Бинобадин, юртимизда барча соҳада амалга оширилаётган ислохотлар замирида инсон, унинг манфаатларига чуқур ҳурмат-эътиром мужассамдир.

(Давоми 2-бетда).

Қонун ижроси юзасидан эшитув

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилишида "Геодезия ва картография тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси юзасидан "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси раисининг ахбороти эшитилди.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Тадбирда мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида ишлаб чиқариш инфратузилмасининг кенгайиши, санаот, транспорт, қурилиш, энергетика, туризм ҳамда бошқа соҳаларнинг изчил ривожини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш давр талаби асосида ташкил этилганлиги геодезия хизмати ҳамда картография маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг тобора ошишига олиб келаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Ҳусусан, ҳудудларнинг мукамал хариталарини график, рақамли, фотографик ва бошқа шаклларда яратиш, янгилаш туриш ҳамда нашр қилиш ишлари изчил олиб борилаётган. Айни чоғда мазкур маҳсулотлардан иқтисодиёт тармоқларининг турли соҳалари талабларидан келиб чиқиб, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ердан фойдаланувчилар мониторингини юритиш, ҳудудларни харитага тушириш, шаҳарсозлик, мудоффа, геология конлари мониторингини амалга оширишда кенг фойдаланилмоқда. Умумий география, сиёсий-маъмурий, илмий-ахборот берадиган ҳамда бошқа тармоқлараро аҳамиятга молик тематик хариталар ва атласлар, ўқув-картография қўлланмаларини тузиш ҳамда нашр қилиш ишлари ҳам жадал давом эттириляпти.

(Давоми 2-бетда).

«Ўзмахсусмонтажқурилиш»: Инвестиция, модернизация, маҳаллийлаштириш — ривожланишнинг муҳим омиллари

Мустақиллик йилларида ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, модернизациялаш, замонавий қурилиш материалларидан кенг фойдаланиш туфайли мамлакатимизнинг қурилиш жабҳаси тубдан ўзгариб, унинг самарадорлиги ошди. Қисқа вақт ичида минглаб янги корхона ҳамда ижтимоий соҳа объектлари, миллионлаб квадрат метр тураржойлар қурилгани ва мавжудлари реконструкция қилингани бунга яққол мисолдир.

БУНЁДКОРЛИК

Натижада ўтган чорак асрда миллий меъморчилик аънаналаримизни сақлаб қолган ҳолда, нафақат Тошкент ҳамда республикамизнинг йирик шаҳарлари, балки қишлоқ жойларнинг ҳам қиёфаси сезиларли даражада ўзгарди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда қурилиш соҳаси иқтисодиёти-

ларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини бунёд этишга йўналтирилди. Бу эса 2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион АҚШ доллари бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилишини яқунлаш ҳамда фойдаланишга топшириш имконини берди.

"Ўзмахсусмонтажқурилиш" акциядорлик компанияси юртимиздаги энг йирик қурилиш ташкилотларидан бири ҳисобланади. Унинг таркибиде жами 7,5 мингдан зиёд киши ишлайдиган, республикамизнинг барча ҳудудини қамраб олган 120 дан ортиқ қурилиш-монтаж ва санаот корхоналари бирлашган.

(Давоми 3-бетда).

